

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
Ҳ У К М

2022 йил июнь ойининг 17 куни жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар суди, очиқ суд мажлисида, суд биносида,

Раислик қилувчи судья: Б.Эсанбаев,

суд мажлиси баённомасини юритувчи, судья ёрдамчиси С.Курбонбекованинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси, Ангрен шаҳар прокурори ёрдамчиси Б.Камилов, судланувчилар Хxxxxxxxxxxx, Хxxxxxxxxxxxлар ва уларнинг ҳимоячиси А.Каримов, судланувчи Х.Хxxxxxxxxxxx ва унинг ҳимоячиси М.Расуловаларнинг иштирокида Хxxxxxxxxxxx, Хxxxxxxxxxxx ва Хxxxxxxxxxxx Ҳамза Отаназаровичга оид 1-1104-2202/177- сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра,

Хxxxxxxxxxxx (xxxxxxxxxxxxxxxxxxxx) - 1969 йил 5 январда Тошкент вилояти, Оҳангорон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, икки нафар фарзандлари бор, Ангрен шаҳар 34-сонли мактаб директор ўринбосари, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, Навруз-1 маҳалласи, 1-берк Нодирабегим кўчаси, 3-уйда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 5 майда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б ” банди ва 167-моддаси 2-қисми “г” банди билан айбланган;

Хxxxxxxxxxxx (xxxxxxxxxxxxxxxx) - 1977 йил 17 февралда Хоразм вилояти, Хива шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, тўрт нафар фарзандлари бор, маълумоти ўрта, “VERIF” МЧЖ раҳбари ўринбосари, муқаддам жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судининг 2009 йил 25 мартдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан 12 йил муддатга озодликдан марум қилиш жазоси тайинланган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 05.12.2012 йилдаги “Амнистия тўғрисида”ги Қарори қўлланиб жазо муддати ¼ қисми қисқартирилган, жиноят ишлари бўйича Миришкор тумани судининг 2013 йил 12 февралдаги ажримига кўра ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 3 йил 7 ой 16 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Қўнғирот тумани судининг 2014 йил 16 октябрдаги ажримига кўра ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан



илгари шартли озод қилинган, судланганлик ҳолати тугалланган, Хоразм вилояти, Хива шаҳри, Дўстлик маҳалласи, 21/3-уйда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 16 майда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди ва 228-моддаси 3-қисми билан айбланган;

Хxxxxxxxxx (xxxxxxxxxxxxxxxx) - 1978 йил 9 июнда Тошкент вилояти, Ангрен шаҳрида туғилган, миллати тожик, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, икки нафар фарзандлари бор, маълумоти ўрта, яқка тарихдаги тадбиркор, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, Янги Боғисурх маҳалласи, А.Қодирий кўчаси, 131-уйда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 5 майда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчилар, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларни

#### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Хxxxxxxxxx 2011 йил 11 июлдан Тошкент вилояти Халқ Таълим бошқармасининг №214-сонли буйруғига асосан Ангрен шаҳар 34-мактаб интернати директори лавозимида ишлаб келиб, мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда 2021 йил февраль ойи охиридан июнь ойига қадар бўлган вақт оралиғида унга фуқаролар Хxxxxxxxxx ва Хxxxxxxxxxлар томонидан мактаб интернати учун хайрия тариқасида тақдим қилиниб, унга ишониб топширилган жами 9.350.000 сўм пулларни 34-мактаб интернати ҳисоб рақамига кирим қилмасдан ушбу пулларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборишга суиқасд қилиб, фуқаро Адурахманов Абдурашид Абдукаримович ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилгандан сўнг гўёки Хxxxxxxxxx номидан хайрия тариқасида тақдим қилинган пулларни Ангрен шаҳар 34-мактаб интернатининг ҳисоб рақамига кирим қилганлиги аниқланган.

Бундан ташқари у 2021 йил тахминан февраль ойининг охирларида, ғаразли ва бошқа паст ниятларда, 17.02.1977 йилда туғилган Хxxxxxxxxx ва 09.06.1978 йилда туғилган Хxxxxxxxxxлар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлган ҳолда улар томонидан гўёки “Verif” МЧЖ томонидан тақдим қилинган 14 (ўн тўрт) бош қўйларни 34-сонли мактаб



интернати ҳисоб рақамига крим қилинганлиги тўғрисида сохта маълумотнома расмийлаштириб берганлиги аниқланган.

Судланувчи Хххххххххх Хамза Отаназарович 2021 йил тахминан февраль ойининг охирларида, ғаразли ва бошқа паст ниятларда, 05.01.1969 йилда туғилган Хххххххххх ва 09.06.1978 йилда туғилган Ххххххххххлар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлган ҳолда 04.07.1980 йилда туғилган Абдурахманов Абдурашид Абдукаримовичга тегишли бўлган 14 (ўн тўрт) бош қўйларни унга тегишли эканлигини била туриб, ўзбошимчалик билан ушбу қўйларни «Verif» МЧЖнинг Ангрен шаҳар филиалидан А.Хххххххххх бошқарувидаги юк автомашинасига юклаб, қўйларни Ангрен шаҳар 34-сонли мактаб интернатига олиб боришиб, жиноий шериклари Ф.Т.Хххххххххх ва А.Ххххххххххлар билан мазкур қўйларни савдолашиб, гарчанд Ф.Т.Хххххххххх қўйларни мактаб интернат ҳисобига қабул қилиб олмаганлигини ҳамда А.Хххххххххх қўйларни ўзи билан уйига олиб кетганлигини била туриб, қўйларни мактаб интернати ҳисобига тўлиқ топширганлиги тўғрисида сохта маълумотномани расмийлаштиришга ташкилотчилик қилганлиги аниқланган.

Судланувчи Хххххххххх 2021 йил тахминан февраль ойининг охирларида, ғаразли ва бошқа паст ниятларда, 05.01.1969 йилда туғилган Хххххххххх ва 17.02.1977 йилда туғилган Ххххххххххлар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, ушбу қўйларни «Verif» МЧЖнинг Ангрен шаҳар филиалидан ўзини бошқарувидаги юк автомашинасига юклаб, қўйларни Ангрен шаҳар 34-сонли мактаб интернатига олиб боришиб, жиноий шериклари Ф.Т.Хххххххххх ва Ҳ.О.Ххххххххххлар билан мазкур қўйларни 13.000.000 (ўн уч миллион сўм) пулга савдолашиб, Ф.Т.Ххххххххххга 4.000.000 (тўрт миллион) сўм пулларни бериб қолган 9.000.000 сўм пулларни 2021 йил декабрь ойига қадар беришини маълум қилиб, гарчанд Ф.Т.Хххххххххх қўйларни мактаб интернат ҳисобига қабул қилиб олмаганлигини ҳамда келишилган пулларни тўлиқ тўламасдан, қўйларни мактаб интернати ҳисобига тўлиқ топширганлиги тўғрисидаги сохта маълумотномани расмийлаштиришга далолат қилганлиги аниқланган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Хххххххххх айбига тўлиқ иқроқ бўлиб, 2011 йил 12 июлдан 2021 йил 22 сентябрь кунига қадар Ангрен шаҳар 34-сонли мактаб интернетиде раҳбар бўлиб ишлаб келганлигини, 22 сентябрь кунидан раҳбар ўринбосари лавозимида ишлаб келишини, уни хизмат вазифаларига педагог жамоасини бошқариш, ўқув тарбия жараёнини назорат қилиш, мактабни моддий техника базасини мустаҳкамлаш, ходимларни ойлик иш ҳаққини тўғри ҳисобланишини назорат қилиш, бухгалтерия ҳисобини тўғри ишлашини назорат қилишдан иборатлигини, 2021 йил март ойи ўрталарида ишхонада бўлган вақтида ўзларини “Verif” МЧЖ ходимлари деб таништирган Хххххххххх Хамза ва ёнидаги бир нафар нотаниш шахс кириб келганлигини, улар фирмага тегишли 9 бош қўй, 5 бош қўзичоқ борлигини, ушбу қўйларни мактаб интернетиде ҳисобига “Хадя” сифатида топширмоқчи эканлигини айтганлигини, у уларга мактаб интернетиде қўй боқиш имкони



йўқлигини, қўйларни сотиб, мактабнинг ҳисоб рақамига ўтказишлари мумкилигини тушунтирганлигини, шундан сўнг Хххххххххх Хамза ёнидаги шахсни таништириб уни исми Ойбек эканлигини, Ойбек барча қўйларни 13.000.000 сўм пулга баҳоланганлигини, мактабга бир йил давомида пуллар ўтказилишини айтганлигини, у бу таклифга рози бўлганлигини, шундан сўнг улар кетишдан олдин Хххххххххх Хамза унга Ойбек пулларни тушуриб беришини, алдамаслигини, “Verif” фирмаси томонидан 9 бош қўй 5 бош кўзичоқ топширилганлиги тўғрисида маълумотнома қилиб беришини сўраганлигини, у маълумотнома қилиб берганлигини, Ойбек билан пулларни қачон тўлаши МЧЖ ҳисоб рақамига қачон ўтказилиши тўғрисида телефон орқали гаплашиб турганлигини, 2021 йил ноябрь ойида Ойбек 9.350.000 сўм пулларни нақд кўринишида олиб келганлигини, у Ойбекга интернат учун тикувчилик ускуналари олишни таклиф қилганлигини, улар биргаликда тикувчилик ускуналари харид қилиш учун борганликларини аммо пуллар етмаганлигини, сўнг у Ойбекга пулларни мактаб ҳисобига ўтказишни айтганлигини, шундан сўнг Ойбек пулларни мактаб ҳисобига ўтказиб тўлов вароғини унга топшириб қолган пулларни тез кунда ўтказиб беришни маълум қилганлигини, 2021 ноябрь ойида Ойбек жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш мақсадида пулларни қайтариб олганлигини, унинг бу ҳаракатлари қонуний эмаслигини тушуниб етганлигини, ҳозирги кунда қилган ишидан пушаймонда эканлигини кўрсатиб, суддан унинг икки нафар фарзандлари борлигини инобатга олиб унга қонуний енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Хххххххххх, айбига тўлиқ иқроор бўлиб, у “Verif” МЧЖга 2014 йилда менежер бўлиб ишга кирганлигини, 2017 йилдан мазкур МЧЖда раҳбар ўринбосари бўлиб ишлаб келишини, унинг вазифаларига МЧЖни 12 вилоятида жойлашган филиалларини назорат қилиш, чет эл давлатларидан МЧЖга келаётган импорт маҳсулотларини назорат қилишдан иборатлигини, 2021 йил февраль ойида Ангрэн шаҳрида фирма раҳбари сифатида фаолият олиб бораётган Абдурашид қўнғироқларга жавоб бермай қўйганлигини, уни яшаш манзилидан ҳам топиш имкони бўлмади қолганлигини, Абдурашид топилгунига қадар шу корхонада ҳайдовчи бўлиб ишловчи Шерзод раҳбарлик қилиб турганлигини, сўнг у вазиятни ўрганиш учун Ангрэн шаҳрида жойлашган филиалга етиб келиб, корхонага келганлигини ва бошқарувни ўзи олганлигини, корхона ҳудудида қўйлар боқилаётганлигини кўрганлигини, бу ҳақида раҳбар Шухрат Усмоновичга маълум қилганлигини, корхона раҳбари Шухрат Абдурашид билан ҳеч қандай чорвачилик ҳақида шартнома қилмаганлигини маълум қилганлигини, бу ҳақида ишчилардан сўраган вақтида улар қўйлар кимга тегишли эканлигини билмаслигини, қўйлар кимга тегишли эканлигини Абдурашид билишини маълум қилганликларини, шу орада корхонада бўлган бир бош қўй ва бир бош кўзичоқ нобуд бўлганлигини, бу ҳақида корхона раҳбарига маълум қилган вақтида у қўйларни ИИБга топширишини айтганлигини, шундан сўнг у ИИБ биносига бориб ИИБ ходимида холатни тушунтирганлигини, ИИБ ходими



қўйларни қабул қилмаслигини, уни савоб учун интернатга топширишини айтганлигини, у интернатни сўраб суриштириб топиб интернат ходимига вазиятни тушунтирган вақтида, интернат ходими инетернат ногирон болалар интернати эканлигини, ҳомийлик қиладиган бўлса қўйларни олиб қолишини айтганлигини, шундан сўнг таниши Ойбекни чақириб 14 бош қўй ва 5 бош қўзичоқларни унинг “Лабо” русумли юкмашинасига юклаб, интернатга олиб келганлигини, у интернат раҳбари билан кўришиб, унга қўйларни қабул қилиб олишини қўйларни “Verif” МЧЖ номидан топшираётганлигини айтганлигини, ундан қўйларни қабул қилиб олаётганлиги тўғрисида маълумотнома қилиб беришини сўраганлигини, интернат раҳбари маълумотнома ёзиш жараёнида унга қўйларни сақлаш учун унда жой йўқлигини, иложи бўлса қўйларни сотиб, пулларини беришни айтганлигини, унга қўйларни сотиб пулини бераолмаслигини, раҳбар унга қўйларни топшириш кераклиги ҳақида топшириқ берганлиги шунинг учун қўйларни ўзини топширишини айтганлигини, шундан сўнг интернат раҳбари унга маълумотнома ёзиб берганлигини ва Ойбек интернат раҳбарига “бўлди пулини чиқариб берамиз” дея интернат раҳбари билан ўзаро келишганлигини шундан сўнг интернат раҳбари билан қайтиб кўришмаганлигини, у интернатдан чиқиб кетаётган вақти қўйлар Ойбекни автомашинасида қолганлигини, эгасининг хабарисиз ушбу қўйларни сотиб юбориш мукин эмаслигини билганлигини, ҳозирги кунда жабрланувчига етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, қилган ишидан пушаймонда эканлигини кўрсатиб, суддан уни оилавий шароитини, тўрт нафар фарзандлари борлигини инобатга олиб енгиллик беришини сўради.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Хххххххххх айбига тўлиқ иқроор бўлиб, у баклашкаларни йиғиб алоҳида жойда тўплаб, Хххххххххх Ҳамза раҳбарлик қиладиган “Verif” МЧЖга топширишини, 2021 йил февраль ойида ишхонада бўлган вақтида Хххххххххх Ҳамза ёнига келганлигини, унга Гулбоғ маҳалласидаги филиалдаги раҳбар Абдурашид ишхонага келмаётганлигини, ишхонани ташлаб кетганлигини, ишхонадаги 14 бош қўйларни қаровсиз қолдирганлигини, қўйларни топшириш ҳақида топшириқ олганлигини, шунинг учун ундан автомашинасида қўйларни болалар уйига олиб боришга ёрдам беришини сўраганлигини, унга тегишли бўлган “Лабо” автомашинасида “Гулбоғ” маҳалласига бориб, корхона ҳудудидан 14 бош қўйларни автомашинасига юклаганлигини, қўйларни юклаб интернатга олиб келганликларини, Ҳамза ака мактаб раҳбари билан учрашиб, “Verif” МЧЖ номидан 14 бош қўйларни топшириш учун келганлигини айтганлигини, мактаб раҳбари Файзулла ака қўйларни олиб қолмаслигини, чунки қўйларни олиб қолиш учун жойи йўқлигини, ундан кўра қўйларни сотиб пулларни ўтказиб беришини айтганлигини, Ҳамза ака ҳамда Файзулла ака қўйларни унга сотиб олишни таклиф қилганлигини, уларга бирдан тўлашга икмонияти йўқлигини маълум қилганлигини, Ҳамза ака бир йил давомида бўлиб-бўлиб тўлаш таклифини берганлигини, шундан сўнг у жами 14 бош қўйларни 13.000.000 сўм пулга баҳолаб, Файзулла акага бериши керак бўлганлигини, Файзулла акага шу ернинг ўзида тахминан 4.000.000 сўм пулларни



берганлигини, қолганини бир йил давомида бўлиб-бўлиб беришга келишганлигини, Файзулла ака пулларни олиб қолганлигини, Ҳамза акага қўйларни олиб қолганлиги тўғрисида маълумотнома ёзиб берганлигини, Ҳамза ака Файзулла акага Ойбек пулларни ҳар ой беришини, бермаса у ўзи кафил бўлишини айтганлигини, Файзулла ака маълумотномани ёзиб берганидан сўнг чиқиб кетганлигини, автомашинида турган қўйларни уйга олиб борганлигини, у пулларни Файзулла акани қўлига нақд ҳолатда топширганлигини, 2021 йил ноябрь ойида Файзулла ака 9.500.000 сўм пулларни уни номида банк орқали интернатга топширганлигини айтиб қвитанция нусхасини берганлигини, Файзулла ака пулни болалар уйини ҳисоб рақамига ўтказиш кераклигини айтганида, уни вақти бўлмаганлигини, уни вақти бўлганида Файзулла акани вақти бўлмаганлигини, 9.500.000 сўм пулларни берганидан кейин Файзулла ака унга пулларни тўлиқ тўласа ҳаммасини бирдан, яъни 13.000.000 сўм пулларни болалар уйига топширишини айтганлигини, қўйларни сотиб олган куни Файзулла ака билан Ангрен шаҳридаги бир нечта дўконларга боришганлигини, Файзулла ака дўкондан болаларга кийим-кечак ўйинчоқ ва мактаб интернатининг қизлари учун тикув машинаси сотиб олиб, пулларни дўконга ўтказиб беришини айтганлигини, шундай дўконлардан бири Имкон дўконига боришганлигини, Имкон дўконига сотувчилардан пулларни уларни ҳисобига ташлаб бир икки кундан сўнг болалар уйига нарса олиб кетишини айтганлигини, Имкон дўконининг сотувчилар буни иложи йўқлигини айтишганлигини, орадан вақт ўтиб пулларни тўлиқ ўтказиб берганлигини, шу орада уларга нисбатан жиноят иши очилганидан сўнг жабрланувчига етказилган зарарни қайтариш мақсадида 2021 ноябрь ойида мактаб интернатига ўтказилган пулларни қайтариб олганлигини, ҳозирги кунда қилган ишидан пушаймондалигини, унинг бу ҳаракатлари қонуний эмаслигини тушуниб етганлигини, суддан унинг оилавий шароитини, икки нафар фарзандлари борлигини инбатга олиб енгиллик беришини сўради.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Ташматова Замира Насирджановна, у 1996 йилдан буён Ангрен шаҳар 34-сонли мактаб интернатида бош ҳисобчи лавозимида ишлаб келишини, мактаб интернатининг уч дона ҳисоб рақами бўлиб, ҳисоб рақамлар “Ипотека” банкда очилганлигини, улар “умумий ҳисоб рақам”, “махсус ҳисоб рақам”, “ҳодимлар таъминоти ҳисоб рақам” ларидан иборатлигини, “умумий ҳисоб рақам”га пулларни давлат ўтказишини, ушбу пулларни мактаб интернатининг коммунал тўловларига, ўқитувчиларнинг ойлик иш ҳаққига, болаларнинг озиқ овқатига, мактабни эҳтиёжлари учун керак бўлган нарса-буюмлар ва бошқа нарсалар учун сарфлашларини, “махсус ҳисоб рақам”га хайрия пулларини тушуришларини, ушбу ҳисоб рақамдаги пулларга болаларга ва мактаб интернатига керак бўлган буюмларни харид қилишларини, хайрия пуллари нақд кўринишида бўлган тақдирда хайрия қилмоқчи бўлган шахсларга ҳисоб рақамни беришларини, мактаб интернати ходимлари хайрия пулларини нақд кўринишида олмасликларини, хайрия қилувчи шахсларга асосан болалар учун нарса олиб келишган тақдирда



мактаб интернати болаларининг қўлларига беришлигларини, тушунтириб боришларини, Хххххххххххх Файзулла мактаб директори лавозимида ишлаганлигини, ҳозирги кунда мактаб интернати директор ўринбосари лавозимида ишлаб келаётганлигини, у Хххххххххххх ва Х.Хххххххххххларни фақатгина ҳолат юзасидан танишлигини, 2021 йил Хххххххххххх ҳадия сифатида уларинг ҳисоб рақамига пул ўтказганлигини, орадан вақт ўтиб 2021 йил ноябрь ойида Хххххххххххх ҳисоб рақамига ўтказган пуллари сўраб келганлиги учун пуллари унга қайтариб берганликларини, ушбу пуллар қайтарилгунига қадар ишлатилмаганлигини, ҳисоб рақамлардан кирим ва чиқим қилинган пуллари ойлик ҳисобот жилдларига қўшиб боришларини, уларни юқори турувчи органлар назорат қилиб туришларни кўрсатди.

Суд мажлисига узрли сабабларга кўра келмаган жабрланувчи Абдурахманов Абдурашид Абдукаримович судга ариза билан мурожаат қилиб, унда оилавий шароити сабабли судга кела олмаслигини, судланувчиларга нисбатан моддий ва маънавий зарар бўйича даъвоси йўқлигини маълум қилиб, суддан судланувчиларга қонун доирасида жазо қўллашни сўраган.

Судланувчи Хххххххххххх, Х.Ххххххххххххх ва Ххххххххххххнинг айби, суд мажлисида ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳнинг кўрсатуви, қвитанция нусхаси (и.в. 20), маълумтнома (и.в. 21), юзлаштириш баённомаси (84-87, 95-97) ҳамда жиноят ишида тўпланган далиллар мажмуи билан ўз исботини тўлиқ топган.

Судланувчи Хххххххххххх томонидан содир этилган жиноятнинг юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан, унинг жинойий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди ва 167-моддаси 2-қисми “г” банди билан нотўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 4-сонли қарорининг 4-бандида “Ўзганинг мулкни талон-торож қилиш жинояти мол-мулк мулкдорнинг эгалигидан олинган ҳамда айбдор уни тасарруф этиш ёки ундан ўз хоҳишига кўра фойдаланиш имкониятига эга бўлган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади (босқинчилик ва товламачилик ҳоллари бундан мустасно). Агар айбдор ўзганинг мол-мулкни қўлга киритган бўлса-ю, бироқ ҳали уни ўз мулки сифатида тасарруф этиш имкониятига эга бўлмаса, қилмиш талон-торож қилишга суиқасд тариқасида квалификация этилмоғи керак (босқинчилик ва товламачилик ҳоллари бундан мустасно). Қасд бир бутун мулкни талон-торож қилишга қаратилган бўлиб, унинг муайян бир қисми талон-торож қилинган ҳолларда ҳам жиноят тугалланган ҳисобланмайди” – деб кўрсатилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Иқтисодиёт соҳасидаги жинойий ишлар бўйича суд



амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида”ги 11-сонли қарорининг 4-бандида “Мансаб мавқеини суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани талон-торож қилиш, агар бу ўзганинг мулкани қонунга хилоф равишда текинга ўзининг ёки бошқа шахсларнинг мулкдорлигига айлантиришида ифодаланган бўлса, ЖК 167-моддаси 2-қисмининг «г» банди билан квалификация қилиниши лозим ва ЖК 205-моддаси билан кўшимча квалификация қилишни талаб этмайди” - деб кўрсатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 209-моддаси 1-қисмида “Мансаб сохтакорлиги, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлса” – деб кўрсатилган.

Суд мажлисида аниқланган ҳолатларга кўра, Ххххххххххх мансабдор шахс ҳисобланиб, унга топширилган пулларни тўлиқ олиб келинишини кутиб, ундан фойдаланмаган, кейинчалик кирим қилиб, жиноятини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда охирига етказа олмаган. Шунингдек, у мансабдор шахс сифатида маълумотномага била туриб, ёлғон маълумотларни киритган. Шу сабабли суд, судланувчи Хххххххххххнинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “г” банди ва 228-моддаси 2-қисми “б” бандидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,167-моддаси 2-қисми “г” банди ва 209-моддаси 1-қисмига қайта малакалашни лозим деб ҳисоблайди.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчилар Х.Ххххххххххх ва Хххххххххххларнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан нотўғри малакаланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 4-сонли қарорининг 8-бандида “Агар мансаб сохтакорлиги мансабдорлик жиноятининг субъекти бўлмаган бошқа шахслар билан иштирокчиликда содир этилган бўлса, бундай иштирокчиларнинг ҳаракатлари, башарти улар талон-торож жинояти иштирокчиси бўлмаса, ЖК 228-моддаси билан эмас, балки мазкур Кодекснинг 28,209-моддалари билан квалификация қилинмоғи керак” – деб кўрсатилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 5 майдаги “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги 13-сонли Қарорининг 12-бандида “Жиноятлар мажмуини ташкил этувчи жиноятлар, агар улардан бирини содир этишда субъект жиноятни бажарувчи, бошқаларини содир этишда эса ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи сифатида иштирок этганда



хам, шу тарзда квалификация қилиниши керак. Бундай ҳолларда шахснинг жиноятни содир этишда ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи сифатида иштирок этган ҳаракатлари Жиноят кодекси 28-моддасини қўллаган ҳолда, Жиноят кодекси Махсус қисмининг содир этилган жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддаси билан, содир этилишида у жиноят бажарувчиси бўлган қилмиш эса - ЖК 28-моддасини қўлламаган ҳолда, Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан квалификация қилиниши керак” – деб кўрсатилган.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддасида “айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак” эканлиги ҳақида тушунтириш берилган. Ушбу кодекснинг 463-моддаси 1-қисмида “Айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади. Айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олинishi лозим” – деб кўрсатилган. Шу сабабли суд судланувчилар Х.Хххххххххх ва Ххххххххххларнинг жинойий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” бандидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,209-моддаси 1-қисмига қайта малакалашни ва судланувчи Х.Ххххххххххнинг айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисмини чиқаришни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасига мувофиқ, жиноят содир этган шахс агар иш судда кўрилатган вақтгача шароит ўзгарди ёки шахс намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати билан ўзини кўрсатиб, ижтимоий хавфлилигини йўқотди деб эътироф этилса, суд уни жазодан озод қилиши мумкинлиги;

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддаси 3-қисми 3-бандида, ҳукм чиқариладиган вақтга келиб, қилмиш ижтимоий хавфлилигини йўқотса ёки уни содир этган шахс ижтимоий хавфли бўлмай қолса жазо тайинламасдан айблов ҳукми чиқариши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 2006 йил 3 февралдаги Қарорининг 2-бандида, Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлик принципи ҳар доим ҳам жазо қўлланилиши шартлигини англатмаслиги, шу туфайли судлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, отказилган зиённи қоплаган шахсларни ЖКнинг 65, 66, 70, 71-моддаларига



мувофиқ жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозимлиги, 7-бандида, қонун (ЖКнинг 55-моддаси) жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар доирасини чекламаслиги сабабли, жазо тайинлаш пайтида ушбу моддада кўрсатилмаган бошқа ҳолатлар ҳам жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниши мумкинлиги тушунтирилган.

Суд, юқоридаги Қонун ва Пленум Қарорлари талабларига амал қилиб, судланувчи Хxxxxxxxxxxга нисбатан жазо тури ва меъёрини тайинлашда содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, шахсини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, қарамоғида икки нафар фарзандлари борлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганини, жабрланувчини моддий даъвоси йўқлигини, жиноят натижасида жиддий оқибатлар келиб чиқмаганлигини эътиборга олиб, жиноят ишини биринчи инстанцияда кўриш вақтига келиб, шароит ўзгарганлигини, ижтимоий хавфлилик даражасини йўқотган деган қатъий хулосага келиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасини қўллаб, суд ҳукми билан тайинланадиган жазодан озод қилишни лозим топади.

Судланувчи Хxxxxxxxxxxга нисбатан жазо тури ва меъёрини тайинлашда содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, шахсини, оилавий шароитини, қарамоғида тўрт нафар фарзандлари борлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганини, жабрланувчини моддий даъвоси йўқлигини, жиноят натижасида жиддий оқибатлар келиб чиқмаганлигини эътиборга олиб, жиноят ишини биринчи инстанцияда кўриш вақтига келиб, шароит ўзгарганлигини, ижтимоий хавфлилик даражасини йўқотган деган қатъий хулосага келиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасини қўллаб, суд ҳукми билан тайинланадиган жазодан озод қилишни лозим топади.

Судланувчи Хxxxxxxxxxxга нисбатан жазо тури ва меъёрини тайинлашда содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, шахсини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, қарамоғида икки нафар фарзандлари борлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганини, жабрланувчини моддий даъвоси йўқлигини, жиноят натижасида жиддий оқибатлар келиб чиқмаганлигини эътиборга олиб, жиноят ишини биринчи инстанцияда кўриш вақтига келиб, шароит ўзгарганлигини, ижтимоий хавфлилик даражасини йўқотган деган қатъий хулосага келиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасини қўллаб, суд ҳукми билан тайинланадиган жазодан озод қилишни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462,463, 465-468, 472-473-моддаларига асосан суд,

Ҳ У К М Қ И Л Д И:



Хххххххххххх Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,167-моддаси 2-қисми “Г” банди ва 209-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин ва ЖКнинг 70-моддасига асосан тайинланиши мумкин бўлган жазодан озод қилинсин.

Хххххххххххга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Хххххххххххх Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,209-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасига асосан тайинланиши мумкин бўлган жазодан озод қилинсин.

Хххххххххххга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Хххххххххххх Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,209-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасига асосан тайинланиши мумкин бўлган жазодан озод қилинсин.

Хххххххххххга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона “Маълумотнома” жиноят иши ҳужжатларида сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма суткалик муддат ичида, маҳкум ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олгандан сўнг шу муддат ичида ушбу суд орқали Тошкент вилоят судининг жиноят судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят, прокурор протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи:

имзо

Б.Эсанбаев

Аслига тўғри:

